

Хулоса қилиб айтганда, маҳаллий ўрта толали, ингичка толали ва Хитой давлатидан келтирилган ғўза навларида вилоят аграбиоценозида хавфлилик даражаси юқори бўлган

трипс зараркунандаси билан зарарланишида кескин тафовут кузатилмади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Алимўхаммедов С., Хўжаев. Ш., Ғўза зараркунандалари ва уларга қарши кураш. – Тошкент: Меҳнат, 1991.- 6-83.
2. Хўжаев Ш.Т., Сулаймонов О.А. Умумий ва қишлоқ хўжалик энтомологияси ҳамда уйғунлашган ҳимоя қилиш тизимининг асослари. – Тошкент. - 2019. – 376 б.
3. Яхонтов В.В. Ўрта Осиё Қишлоқ Хўжалиги ўсимликлари ҳамда маҳсулотларининг зараркунандалари ва уларга қарши кураш. -Тошкент: Ўрта ва олий мактаб, 1962. - 693 б.
4. Муҳаммадалиев Ш.С., Сулаймонов Б.А., Рашидов М.И Екинлар зарарли организмлари ривожланиши ва тарқалишининг башорати. Тошкент “Ўқитувчи”. 2002 й.

УЎТ: 632.782+634.1

УРУҒ МЕВАЛИ БОҒЛАРДА УЧРОВЧИ ОЛМА ВА МЕВА КУЯЛАРИГА ҚАРШИ ОВИПРОН ПРЕПАРАТИНИ ҚЎЛЛАШ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ АНИҚЛАШ

Усвалиев Ойбек Турғунович, катта ўқитувчи,
Тошкент давлат аграр университети.

Аннотация. Олма ва мева куяларига қарши эрта баҳорда феврал ойининг учинчи ва март ойининг биринчи декадаларида (қуртаклар ҳали барг очмасдан) Овипрон 2000 эм.к. нефт мойлари асосида тайёрланган препаратини икки хил 10,0-15,0 л/га сарф-меъёрида қўллаб кўрдик. Препарат қўлланилгунгача ўртача 1,5 м шохдаги уялар сони аниқлаб олинди.

Калит сўзлар: олма ва мева куяси, биологияси, фенология, овипрон 2000 эм.к, агробиоценоз, турли гуруҳ, турли-хил.

Аннотация. Против яблоневой и плодовой моли использовали препарат Овипрон 2000 к.э., на основе нефтяных масел в двух разных нормах расхода 10,0-15,0 л/га. Перед применением препарата определяли среднее количество вредителей на 1,5 м ветки.

Ключевые слова: биология яблонной и плодовой моли, фенология развития, Овипрон 2000 к.э., агробиоценоз, различные группы, разные виды.

Abstract. The drug Ovipron 2000 ke, based on petroleum oils, was used against apple and fruit moths at two different application rates of 10.0-15.0 l/ha. Before using the drug, the average number of pests per 1.5 m branch was determined.

Keywords: biology of apple and fruit moths, phenology development, Ovipron 2000 k.e., agrobiocenosis, different groups, different species.

Кириш. Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш стратегиясида қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган маҳсулотларни экспорт қилиш салоҳиятини янада ошириш, қишлоқ хўжалигига рақамли технологияларни кенг татбиқ этиш тўғрисида бажарилиши зарур бўлган чора-тадбирларга алоҳида тўхталиб ўтганлар.

В.Н.Корчагиннинг илмий асарларида таъкидлашича боғларда 1500 турга яқин зараркунандалар учрайди, улардан 150 тага яқини эса, асосий зараркунандалар эканлигини ва биргина куялар оиласига 60 га яқин тур киришлиги маълум қилинади. Олимлар куяларнинг *Lithocolletis corylifoliella* Haw., *Lithocolletis purifoliella* Grsm., *Stigmella matella* St., *Lyonetia clerckella* L., турлари боғларда куяларнинг популяциялари шаклла-нишида катта аҳамиятга эгалигини таъкидлаганлар [1],[2].

Тадқиқот материаллари ва услуби. Биз тадқиқотлар олиб борган ҳудудларимизда аввало тарқалган асосий куялар турлари ва уларнинг зичлигини аниқлашда В.П.Васильев ва И.З.Лившиц, О.Эшматов усулларида фойдаланган ҳолда олиб бордик.

Натижалар ва мунозара. Олма куяси (*Yponomeuta*

malinellus Zell.) – капалаклар (*Lepidoptera*) туркумига, тоғда яшовчи куялар *Yponomeutidae* оиласига мансуб, дунёнинг барча тоғли минтақаларида учрайди. Олма куяси капалаклари қанот ёзганда 16-22 мм келади, олд қанотларида кумушсимон, 3 қатор жойлашган майда қора нуқталари мавжуд. Тухуми сарғиш, овал шаклда, қуртларининг энг каттаси 13-16 мм, ранги кулранг-сарик, елка томонида 2 қатор нуқталар жойлашган. Ғумбаклари (10 мм) сарик, оқ зич пиллада жойлашади. Қуртлари тўда бўлиб яшайди, тухумидан чиққан қуртнинг узунлиги 1,3-1,6 мм бўлиб, оч сарик тусда, оёқлари қора. Қўнғир-сарғиш рангли, узунлиги 8-10 мм ва эни 2,5-2,7 мм ли ғумбаги ривожланишининг охирида қора тусга киради. Олма куяси монофаг ҳашарот бўлиб, олмага ва камдан-кам ҳолларда раъногулдошлар оиласига мансуб бошқа дарахтларга зарар етказади. Олма куяси бир йилда битта авлод беради. Капалаклари ўртача 100 тагача тухумни тўп-тўп қилиб қўяди. Мазкур куянинг ҳаёт давомийлиги 35-40 кунни ташкил этади. Капалаклари июннинг биринчи ўн кунлигида уча бошлайди, ялпи учиш июн ўрталарига тўғри келади. Қуртлари ингичка шохлардаги қалқончалар остида қишлайди. Баҳорда гуллашдан бир ҳафта олдин озиклана

бошлайди. Улар миналарда яшайди, гуллаш даврида эса гуруҳ бўлиб тўпланган ва юқоридаги барглари ўргимчак билан ўраб олган ҳолда барглари ташқи томондан ейди. Қуртлари тўшалган инда, аммо ҳар бири алоҳида пиллада ғумбакланади [3]; [4]; [5]; [6].

Мева куяси (*Uronomeuta padella* L.) – асосан дарахт барглари билан озиқланади. Олмадан ташқари олхўри, ўрик, олча, нок дарахтларини ҳам зарарлайди. Мева куяси капалаклари қанот ёзганда 15 мм келади, сўнги ёшдаги қуртнинг узунлиги 14-16 мм келади, ғумбагининг узунлиги 7,5-11 мм қорамтир жигар рангда, ҳаёт кечиришига кўра олма куясига ўхшайди, лекин олд қанотининг олдинги қисмидан бошлаб оч кўк рангда жойлашган чизиги билан, личинкаларининг очик ҳолатда озиқланиши ва энг асосий личинка-лардаги фарқ биринчи ёшли мева куяси личинкаси барглари ғовакламаслиги билан фарқланади. Зараркунанданинг қуртлари қалқон остида қишлайди, баҳорда чиқиб барглари четидан еган ҳолда уни зарарлайди. Шоҳлари бутун дарахт бўйлаб ўралган ўргимчак инларида якка ҳолда юпка пиллаларда ғумбакланади, бир йилда битта бўғин беради [1].

Биз ҳам юқоридаги кўрсатмалар ижросини қисман таъминлаш мақсадида, уруғ мевали боғларнинг ҳосилдорлигини ошириш ва зараркунандаларга қарши курашда уйғунлашган кураш усулидан фойдаланишни маъқул деган қарорга келдик. Олиб борган узоқ йиллик тадқиқотларимиз давомида турли гуруҳларга ва турли хил таъсир этиш механизмига эга бўлган кимёвий воситалардан зараркунандалар биологияси ва фенологиясига таянган ҳолда тадқиқотлар олиб бордик.

Наманган вилояти Чуст туманида жойлашган “Аchaposhsha” фермер хўжалигининг уч гектарли олма боғида етиштирилаётган “Сўх гўзали” навида олма ва мева куяларига қарши эрта баҳорда феврал ойининг учинчи ва март ойининг биринчи декадаларида (куртаклар ҳали барг очмасдан) ОвиПрон

2000 эм.к. нефт мойлари асосида тайёрланган препаратини икки хил 10,0-15,0л/га сарф-меъёрида қўллаб кўрдик. Препарат қўлланилгунгача ўртача 1,5м шохдаги қалқонлар сони аниқлаб олинди. ОвиПрон 2000 эм.к., олма ва мева куясига қарши 10л/га сарф меъёрида қўллаганимизда дори сепилгунга қадар уялар сони 76,5 дона эканлиги, назоратда эса 69,7 дона эканлиги аниқланди. Биз, тадқиқотларимизни зараркунандаларнинг фенологик ривожланиш босқич-ларини ҳисобга олган ҳолда, 45 кун мобайнида дори сепилгандан кейинги ҳар 15 кунда самарадорлигини аниқладик. Унга кўра, биринчи ўнбеш кунликда самарадорлик 31,6 % ни, иккинчи ўнбеш кунликда 62,7 % ни, 83,1 % самарадорлик 45 кунга бориб аниқланди. Гектарига 15-л дан қўллаган тажриба вариантимида дори сепилгунга қадар зараркунанда уяларининг сони 79,3 донани ташкил этган бўлса, назоратда – 69,7 дона эди. Биринчи 15 кунда самарадорлик 40,1%ни ташкил этган бўлса, 30 кунга бориб 68,0%ни ва энг юқори самарадорлик 45 кунга бориб 91,0 % ни ташкил этганлиги аниқланди.

Кейинги тажриба Тошкент вилоятида Оҳангарон туманидаги “Nurken Batir” фермер хўжалиги олиб борилди, умумий майдони 22 гектарни ташкил этади. Биз тажрибаларимизни олиб борган майдонларда асосан олма ва беҳи дарахтлари парваришланади. Биз Наманган вилоятидаги каби ўртача 1,5 метр шохдаги уялар сонидан келиб чиқиб, тажрибаларимизни олиб бордик. ОвиПрон 2000 эм.к. нефт мойлари асосида тайёрланган препаратини икки хил 10 ва 15л/га сарф-меъёрида қўлладик. Препаратни 10 л/га қўллаганимизда, дори сепилгунга қадар уялар сони 83,7%ни, назорат вариантимида эса 79,3% ни ташкил этди. Биринчи 15 кунлик натижалар 32,3% биологик самара берганлиги аниқланган бўлса, 30 кунга келиб 68,7% га етганлиги ва 45 кунга келиб биологик самарадорлик 83,4%га етганлиги аниқланди. Бир гектар майдонга 15 литрдан инсектицид сарфланган тажриба вариантимида

1-жадвал.

Уруғ мевали боғларда ОВИПРОН 2000 эм.к. препаратининг олма ва мева куяларига қарши биологик самарадорлиги

(Наманган вилояти Чуст тумани “Аchaposhsha” фермер хўжалиги, Олма, “Сўх гўзали”, 3,0 га. ТЕХА Т-65909, 600-800 л/га., 24.02.2022 й.)

Тажриба вариантлари	Препаратнинг сарф меъёри, л/га	Ўртача 1,5 м шохдаги уялар сони, дона				Самарадорлик, %		
		Дори сепилгунгача	Дори сепилгандан кейинги кунларда			15 кун	30 кун	45 кун
			15 кун	30 кун	45 кун			
Назорат (ишлов берилмаган)	–	69,7	69,7	69,7	69,7	–	–	–
ОВИПРОН 2000 эм.к.	10,0	76,5	52,3	28,5	12,9	31,6	62,7	83,1
ОВИПРОН 2000 эм.к.	15,0	79,3	47,5	25,4	7,1	40,1	68,0	91,0

2-жадвал.

Уруғ мевали боғларда ОВИПРОН 2000 эм.к. препаратининг олма ва мева куяларига қарши биологик самарадорлиги

(Тошкент вилояти Оҳангарон тумани “Nurken Batir” фермер хўжалиги, Олма, “Голден делешес”, 22,0 га. ТЕХА Т-65909, 800-1000 л/га., 20.02.2022 й.)

Тажриба вариантлари	Препаратнинг сарф меъёри, л/га	Ўртача 1,5 м шохдаги уялар сони, дона				Самарадорлик (%) кунларга		
		Дори сепилгунгача	Дори сепилгандан кейинги кунларда			15 кун	30 кун	45 кун
			15 кун	30 кун	45 кун			
Назорат (ишлов берилмаган)	–	79,3	79,3	79,3	79,3	–	–	–
ОВИПРОН 2000 эм.к.	10,0	83,7	56,7	26,2	13,9	32,3	68,7	83,4
ОВИПРОН 2000 эм.к.	15,0	86,2	44,9	18,6	6,6	47,9	78,4	92,3

ишловга қадар уялар сони 86,2 дона эканлиги, назоратда 79,3 дона уялар мавжуд эди. 15 кунлик кузатувларимиз натижасида биологик самарадорлик 47,9% эканлиги аниқланган бўлса, 30 кунга бориб 78,4%ни ва 45 кунга келиб 92,3% га етганлиги аниқланди.

Икки вилоят ҳудудида олиб борган тадқиқотларимиз давомида Овипрон 2000 эм.к., препарати боғ агробиоценозида учровчи олма ва мева қуяларидан ташқари бир неча турдаги қалқондорларга қарши курашда ҳам юқори самара бериши аниқланди. Лекин ушбу препарат нефт мойлари асосли эканлигини ҳисобга олсак ҳарорат кўтарилиши билан дарахт пўстлоғида уваланиб кетиши ва шу билан биргаликда табиий

кушандаларга ҳам таъсир этади. Биз ушбу препаратни зараркунанда фенологиясига таянган ҳолда айрим йиллари етказадиган зарари кўпайиши башорат қилинган йиллари қўлланилгандагина юқори иқтисодий самара бериши мумкинлиги ўрганилди (1-ва 2-жадвалларга қаранг).

Хулоса. Олма ва мева қуяларига қарши Овипрон 2000 эм.к., препарати 15,0 л/га сарф-меъёрида қўллаш тавсия этилади, боғ агробиоценозида учровчи олма ва мева қуяларидан ташқари бир неча турдаги қалқондорларга қарши курашда ҳам юқори самара бериши Наманган вилоятида самарадорлик 45 кунга бориб 91,0 % ни ташкил этган бўлса Тошкент вилоятида 45 кунга келиб 92,3% самарадорлик аниқланди.

АДАБИЁТЛАР:

1. Корчагин В.Н. Вредители и болезни плодовых и ягодных культур. – Москва: «Колос», 1971. – С. 36-41.
2. Олимжонов Р.А. Энтомология. – Тошкент: «Ўқитувчи», 1977. – Б. 246-251.
3. Танабекова Г.Б. Экологические и фаунистические особенности насекомых, повреждающих дикие популяции яблони Сиверса (*Malussieversii*) в Северном Тянь-Шане: Диссертация на соискание степени доктора философии (PhD): (6D060800-Экология) / КНУ им аль-Фараби., Рес. Каз. Алматы, 2021. – 171 с.
4. SA Ulenberg. Phylogeny of the Yponomeuta species (Lepidoptera, Yponomeutidae) and the history of their host plant associations // Tijdschrift voor Entomologie 01 Jan 2009. Pages 187-207.
5. Sol-Moon Na, Bayarsaikhan Ulziiargal, Dong-June Lee, Yang-Seop Bae. Taxonomic review of the genus *Swammerdamia* Hübner (Lepidoptera: Yponomeutidae) from Korea // Journal of Asia-Pacific Biodiversity 12 (2019) Pages 74-78.
6. Sol-Moon Na, Dong-June Lee, Yang-Seop Bae. Taxonomic review of Yponomeuta evonymella group in Korea, with a newly recorded species (Lepidoptera, Yponomeutidae, Yponomeutinae) // Journal of Asia-Pacific Biodiversity 11 (2018) Pages 538-543.
7. Хамраев А.Ш., Насриддинов К. Ўсимликларни биологик ҳимоялаш. – Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2003. (287-б.)
8. Олимжонов Р.А. Энтомология. – Тошкент: «Ўқитувчи», 1977. – Б. 246-251.
9. Васильев В.П., Лившиц И.З. Вредители плодовых культур. – Москва: «Колос», 1984. – С.148-150., 161-186. (398-б.).

УЎТ: 582.736+633.85+632.7+632.7.04/.08

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АГРОБИОЦЕНОЗИ ШАРОИТИДА ДУККАКЛИ ВА МОЙЛИ ЭКИНЛАР БИОТОПИДАГИ ЗАРАРКУНАНДАЛАРНИНГ ТУР ТАРКИБИ

Жандаулетов Абатбай,

Қорақалпоғистон деҳқончилик илмий-тадқиқот институти,
Торениязов Елмурат Шерниязович, қ.х.ф.д., профессор,
Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти.

Аннотация. Мақолада Қорақалпоғистон шароитида агробиоценозларда экилаётган дуккакли ва мойли экинлар турлари далаларида тарқалган зараркунандалар тур таркибини аниқлаш, келтирадиган зарар мезонини белгилаш бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Калим сўзлар: зараркунанда, тур, биология, зарари, биотоп, биоценоз, микроиқлим, динамика.

Аннотация. В статье представлены результаты научных исследований по определению видового состава вредителей и определению критериев вредоносности на полях зернобобовых и масличных культур, выращиваемых в агробиоценозах в условиях Каракалпакстана.

Ключевые слова: Вредитель, вид, биология, вред, биотоп, биоценоз, микроклимат, динамика.

Abstract. The article presents the results of scientific research on the determination of the species composition of pests and the definition of harmfulness criteria in the fields of grain legumes and oilseeds grown in agrobiocenoses in the conditions of Karakalpakstan.

Keywords: pest, species, biology, harm, biotope, biocenosis, microclimate, dynamics.

Кириш. Қишлоқ хўжалик экинларининг асосий тури сифатида сўнгги йилларда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўла таъминлаш мақсадида, оқсилга бой бўлган дуккакли ва мойли экинларнинг тур-

ларини экиш, майдонини кўпайтириш бўйича тадбирлар ривожлантирилмоқда. Натижада ушбу экин турларидан олинадиган маҳсулотларга бўлган талабни маълум даражада қондириш мақсадида Қорақалпоғистон агробио-